

ческими лицами, которые предлагают продукцию зарубежным покупателям без соответствующей сортировки маркировки и упаковки;

недостатки в управлении качеством (стандарты продовольственной безопасности HASP ISO, лаборатории, гармонизация фитосанитарных норм, сертификации и др.) и контроля процесса и соблюдения правил санитарно-гигиенических норм на всех этапах производства и реализации плодоовощной продукции затрудняет продвижение продукции на европейские рынки;

существует ряд проблем для субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства: информативности о ценовых параметрах вырабатываемой продукции; нехватка опыта по налаживанию, налаживанию контакта, осуществлению переговоров с потенциальными партнера-

ми по цепочке стоимости; отсутствия опыта по правильному составлению контрактов;

экспортеры недостаточную информацию об услугах транспортировки. Необходимо унифицировать все транспортные компании и предоставить ценовую информацию по маршрутам;

создание специализированного информационно-аналитического портала, формированием информационной системы и распространение информации о конъюнктуре рынков, консультаций по продвижению продукции на экспорт, состояние и изменение деловой среды в странах импортерах и др. На основе цифровых технологий, направленных на автоматизацию процессов сбора, хранения, анализа, передачи данных (Big Data) на рынке плодоовощной продукции, что позволит использовать методы бизнес-аналитики (BI).

**Источники и использованная литература:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 гг.» 2019 й 23 октябрь ПФ-5853.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшей поддержке экспортной деятельности» от 7 мая 2020 г., № ПП-4707.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации проекта «Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан» с участием международного банка реконструкции и развития и международной ассоциации развития» от 11 августа 2020 г., № ПП-4803.
4. Begg I. Innovative Directions for EU Cohesion Policy after 2020. CESifo Forum. 2018. <https://www.cesifo-group.de/DocDL/CESifo-Forum-2018-1-Begg-EU-Cohesion-Policy-march.pdf>.
5. Porter M.E. 1985: *Competitive advantage: creating and sustaining superior performance*. -London; Friendland.
6. Becker, Gary. *Investment in Human Capital: A Theoretical Analysis // Journal of Political Economy*, 1962. Vol. 70(5, Part 2, Supplement), pp. 9-49.
7. Ахмедов Т.М., Хасанджанов К.А., Хакимов Н.Х. *Региональная экономика: Учебное пособие*. – М.: изд. РЭА им. Г.В.Плеханова. 2006. – 231 с.
8. Умурзаков Ў.П., Эшматов С. 2017. *Мева-сабзавотчилик қиймат занжирида вертикал ва горизонтал интеграциянинг аҳамияти*. "Молиячи маълумотномаси" журнали. №8(68).
9. Ergashev A. 2017. *Analysis of fruit and vegetable supply, demand, diet quality and nutrition in Uzbekistan*. Dissertation. Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn.
10. Larson D., Khidirov D., & Ramniceanu I. 2015. *Uzbekistan - Strengthening the horticulture value chain (English)*. Uzbekistan vision 2030 background paper series. Washington, DC.
11. Назаров Ш.Х. *Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов*. – Ташкент: IFMR, 2014. – 212 с.
12. Муродов Ш.М. *Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш: авт. дисс...и.ф.н.* – Т., 2020. -51 б.
13. Хушвақтова Ҳ.С. *Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари*. дисс.авт. и.ф.н. – Тошкент, 2005. ЎЗБИИТИ.
14. Садыков А.М. *Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация*. Монография. – Ташкент, 2019. – 536 с.
15. Сиражиддинов Н. *Либерализация внешнеторговых операций и конкурентоспособность национальной экономики*. – Т.: Экономическая обозрение, №11, 2004. с.67.



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ТАДБИРКОРЛИГИДА ОИЛА ХЎЖАЛИКЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИНИ  
РАҒБАТЛАНТИРИШ**

**Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич** -  
мустақил изланувчи, Қорақалпоғистон қишлоқ  
хўжалиги ва агротехнологиялар институти

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a65](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a65)

**Аннотация.** Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида оила хўжаликларнинг трансформациялашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг тадбиркорлик соҳасида оила хўжаликларини рағбатлантириш бўйича илмий-назарий тақлифлар ҳамда услубий тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** тараққиёт стратегияси, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш, таннарх, инфраструктура, аграр ислохотлар, демографик ҳолат.

## СТИМУЛИРОВАНИЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ СЕМЕЙНЫХ ХОЗЯЙСТВА В СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

*Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич -  
независимый исследователь, Каракалпакский институт  
сельского хозяйства и агротехнологий*

**Аннотация.** В статье исследованы теоретически и методологически особенности трансформационных процессов семейных хозяйств в сельском хозяйстве Республики Каракалпакстан. Также представлены научно-теоретические предложения и методические рекомендации по стимулированию семейных хозяйств в сфере сельскохозяйственного предпринимательства.

**Ключевые слова:** стратегия развития, трансформация отраслей экономики, стоимость, инфраструктура, аграрные реформы, демографическая ситуация.

## STIMULATING THE TRANSFORMATION OF FAMILY FARMS INTO AGRICULTURAL ENTREPRENEURSHIP OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

*Mambetnazarov Bakhyt Bisenbaevich -  
independent researcher, Karakalpak Institute  
of Agriculture and Agrotechnologies*

**Abstract.** The article theoretically and methodologically explores the features of the transformational processes of family farming in agriculture of the Republic of Karakalpakstan. Scientific and theoretical proposals and methodological recommendations for stimulating family farms in the field of agricultural entrepreneurship are also presented.

**Key words:** development strategy, transformation of economic sectors, cost, infrastructure, agrarian reforms, demographic situation.

**Кириш.** Дунё миқёсидаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиши соҳада изчил ислохотларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу жараёнлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда мамлакатимиз кейинги йилларда халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинди. Жумладан, "... маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари" ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш" бўйича қатор вазифалар белгилаб олинган [1]. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, аҳоли даромадини ошириш ва тадбиркорликни шакллантиришнинг асосий йўналиши бўлган оила хўжаликларининг фаолиятини ривожлантиришни бугунги кундаги ҳаётини заруратга айлантирди.

Табиат ва жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларнинг мунтазам равишда бир сифат ҳолатидан бошқа бирига ўтиб, ўзгариб туриши объектив қонуният ҳисобланади. Бироқ бундай ўзгаришлар оралиғида ўзига хос маълум давр мавжуд бўладики, у бир томондан, ҳали ўз таъсирини "йўқотиб" улгурмаган эски ҳолатларни, бошқа томондан, барқарор ва тўлақонли фаолият даражасига эришмаган янги сифат белгиларини уйғунлаштирган ҳолда намоён этади. Бу давр,

одатда, "трансформациялашув даври" деб аталиб, айниқса унинг ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг ривожидagi ўрни аҳамиятли ҳисобланади [3].

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳар қандай босқичи ёки жамиятдаги турли даражадаги ижтимоий, иқтисодий тузилмаларнинг вужудга келиши ва ривож, авваламбор, ўзидан аввалги босқичнинг муваффақиятли кечиши ва маълум бир даражага етишини тақозо этади. Ҳар қандай кичик ёки ўрта даражада бирданига, янги ташкил этилган агробизнес тузилмаларининг асосчилари, уларнинг асосини ташкил этувчи инсон омилининг физик, маънавий ва касбий жиҳатдан шаклланиши, авваламбор, оилаларда содир бўлади. Улар бевосита оила хўжаликлари базасида ривожланиб вужудга келганда эса янада мукамал бўлади.

**Адабиётларнинг таҳлили.** Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, "оила хўжалиги", "уй хўжалиги", "хонадон хўжалиги", "оилавий тадбиркорлик" каби тушунчалар мавжуд. Аммо уларнинг мазмуни бир-биридан фарқли равишда, ҳар бирининг хусусиятлари ва тушунчалар бўйича турли адабиётларда турлича фикрлар мавжуд.

Инглиз классик олимлардан А.Смит ва Д.Рикардолар томонидан яратилган мутлақ ва қиёсий устунликлар назарияси муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра, ҳар бир ҳудудда муқобил нархлари имкон қадар кичик бўлган шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши лозимки, токи

шу маҳсулотнинг муқобил нархига тенг бир бирликдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошқа бир маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун воз кечиш имконияти мавжуд бўлиши лозим [4].

Шунга боғлиқ ҳолда, “оилавий тадбиркорлик” тушунчасининг М.К.Пардаев ва З.Н.Қурбонов тадқиқотларида “Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади” деб таъриф берилиши ҳам бежиз эмас [5]. Бундан ташқари ушбу атамани оилавий хўжаликлар фаолиятининг замонавий ҳолатидан келиб чиқиб, Г.М.Шодиева [6] томонидан “Оила тадбиркорлиги деб, оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кўзлаб қилинадиган фаолиятга айтилади” деб, янада аниқлаштирилган.

Бундан ташқари ушбу масалаларни Ўзбекистонда тадқиқ этган олим Б.Б. Беркинов уй хўжалиги бўйича бирмунча кенг маънода ифодалаб, “оила унинг аъзоларига маиший хизмат кўрсатиш, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, уйда натура ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш сингари хўжалик юритиш бўйича анъанавий уй ишлари йиғиндисини ўз ичига олади”, деб таъкидлайди.

Турли-туман ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари фаолиятини таъминлаш учун энг асосий омил – инсон омили эканлигидан келиб чиққан ҳолда бу борада изланишлар олиб борган олим – Ҳ.П. Абулқосимовнинг [7] фикрларини жуда ўринли деб тасдиқлаган ҳолда юридик шахс бўлмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг барчасини энг умумий белгиси – оилавийлигига асослаиб аташ лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, россиялик олим А.П.Градовнинг [8] фикрига қўшилган ҳолда, давлат томонидан қишлоқ ҳудудларидаги оилавий хўжаликларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, авваламбор фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнидаги бандлиги ва даромадларини ошириш, қишлоқ ҳудудларида демографик ҳолатни яхшилашни кўзда тутиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни илмий ибора билан айтадиган бўлсак, оилавий хўжаликлар ўртасида, кичик маҳаллий доираларда бўлса ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишда ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ҳам, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳам диверсификация қилиш талаб этилади, аммо, улар оилавий хўжаликларнинг ички имконият ва омилларига боғлиқ тадбирлар бўлиб, уларнинг самара-

дорлик даражасига ташқи омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада эксперт баҳолаш, анкета сўрови, тизимли ва қиёсий таҳлил, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш, статистик гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган бўлиб, назарий ва методологик асоси қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ривожланишига оид республикада ишлаб чиқилган умумий стратегия, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [2] қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалари ҳисобланади.

Шунингдек, ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармасининг маълумотларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Қорақалпоғистон Республикаси ривожланишида саноат тармоқлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ҳам етакчи ўрин тутаяди. Қорақалпоғистон Республикаси аграр сектори мамлакат минтақаларидан фарқли равишда, ўзига хос мураккаб экологик оғир вазиятларни эътиборга олган ҳолда иш юритиш талаб этилиши билан ажралиб туради. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ер, барча соҳалардаги каби инсон омилдан кейин энг муҳим омил бўлса-да, суғориладиган деҳқончиликда эса, унинг сувсиз қарийб аҳамияти йўқ. Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳудуднинг умумий ер майдони 166,59 минг км<sup>2</sup>ни ташкил этиб, Ўзбекистон ҳудудининг 37,2 фоизини ташкил қилади. Суғориладиган ер майдони 510,4 минг га ёки умумий ер майдонининг 3,1 фоизинигина ташкил этади. Экин майдони 2018 йилда 231,1 минг гектар ёки суғориладиган ерларнинг 45,3 фоизини ташкил қилган холос. Бу ҳолат суғориш учун сув таъминотининг етишмаслиги натижасида Қорақалпоғистоннинг потенциал ер майдонларидан тўлиқ фойдалана олмаслиги глобал муаммо эканлигидан дарак беради.


2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 26 250,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга таққослаганда 7,4 %га ўсган. Умумий аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 13 558,6 минг сўмни ташкил этиб бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 6,0 % юқоридир. 2021 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича улуши 28,8 %ни ташкил қилди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида –

## QISHLOQ XO'JALIGI

103,7 % (ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши -28,8 %), саноатда -107,4 % (26,7 %), қурилишда - 110,5 % (8,5 %), ҳамда хизматлар соҳасида - 109,7 %ни (36,0 %) ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси ЯХМ ҳажми йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлди. Хусусан, 2017 йилда республиканинг ЯХ 6518,0 ҳажми 6518,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга келиб 26 250,7 млрд. сўмни ташкил

этди. Бу кўрсаткич мамлакат ЯИМга нисбатан олганда 28 баробар паст ҳисобланади, яъни етарли даражада ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаяпти дейиш мумкин. Бунинг сабаблари Орол денгизига қуйилиш дельтаси атрофидаги иқлими қуруқ ва сув камлиги, ҳудуднинг ривожланиш даражасининг нотекисликлари, атроф-муҳитнинг экологик муаммоларининг мавжудлиги кабилардир.



**1-расм. 2021 йилда ҳудудлар кесимида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси**


*Манба:* ЎР Давлат статистика қўмитаси асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қорақалпоғистон Республикаси асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича мамлакатимизда нисбатан паст ривожланган минтақа ҳисобланиб, мева ва резаворлар, сабзавот, картошка, узум, гўшт ва сут етиштиришда республикада қуйи поғонани эгаллайди (1-расм).

Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йил янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 3832 тани ташкил қилиб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 56,4 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган. Шундан, энг кўп янгидан

ташкил этилган тадбиркорлик субъектлар савдо соҳасида 1457 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 966 та, саноат тармоғида 788 та, қурилиш тармоғида 276 та, яшаш ва овқатланишда 213 та, ташиш ва сақлашда 132 та ташкил этилган.

Таҳлилларга кўра, 2021 йилда мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича тадбиркорлик субъектларининг энг юқори улуши қишлоқ хўжалигида 95,1 фоиз, йўловчи айланмасида 93,9 фоиз, қурилиш ишларида 87,4 фоиз, юк ташишда 92,3 фоиз, чакана савдо айланмасида 93,9 фоизни ташкил этди (2-расм).



**2-расм. 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикасида кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий фаолият турларидаги улуши (фоиз ҳисобида)**

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз томонидан бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилатган чора-тадбирлар натижасида яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикада 2021 йилда сабзавот маҳсулотларининг 60,6 фоизи, картошканинг 67,0 фоизи, узумнинг 55,7 фоизи, меванинг 44,1 фоизи деҳқон хўжаликларидега етиштирилган. Ушбу фоиз кўрсаткичлари 2020 йилга нисбатан бирмунча пасайган бўлса-да, уларни етиштириш ҳажми шу даврда ўсиб бориш тенденциясига эга.

Масалан, картошка етиштириш 2021 йилда 2005 йилга нисбатан 686,8 фоизга, сабзавот – 790,2; мева – 541,3; узум – 486,5 фоизга ошган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги қўй-эчкиларнинг қарийб 88 фоизи, қора молларнинг 96,0 фоизидан кўпроғи, паррандаларнинг 72,0 фоизи оила хўжаликларидега боқилган. Республикадаги ўртача битта оила хўжалигига (қишлоқ жойларида) 3,2 бош қорамол (шундан 1,2 фоизи соғин сигир), 6,5 бош қўй ва эчки, 14 бош парранда тўғри келади.

Бунда, кўрсатилган йиллар давомида чорвачилик маҳсулоти ҳажми ошиб борган бўлса-да, умумий ҳажмдаги улуши камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Чунки оила хўжаликларидега аста-секинлик билан бўлса-да, трансформациялашув натижасида юқоридаги хўжаликларга айланиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида деҳқон хўжаликларидега томонидан 2021 йилда 182,8 минг

тонна сабзавот, 59,9 минг тонна картошка, 37,1 минг тоннадан кўпроқ дон, 78,2 минг тоннадан зиёд полиз, 27,3 минг тонна мева, 6164,0 тонна узум ва бошқа маҳсулотлар етиштирилган.

Шу даврда Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган қарийб 95 фоиз (ёки қарийб 110 минг тонна) гўшт (сўйилган вазнда), 92,5 фоиз (ёки 388,8 минг тонна) сут, 78,6 фоиз (ёки 280,8 минг тонна) тухум, 22,1 фоиз (ёки 3200,5 тонна) балиқ, 92,9 фоиз (ёки 1092,4 минг бош) йирик шохли қора моллар, 91 фоиз (ёки 309,7 минг бош) сигирлар, 84,1 фоиз (ёки 991 минг бош) қўй ва эчкилар ҳамда бошқа хўжалик тоифасидаги маҳсулотлар деҳқон хўжаликларидега улушига тўғри келади.

Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, оила хўжаликларидега таркибидега деҳқон хўжаликларидега маҳсулотларининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари кўп вариантли эконометрик моделлар тузиш орқали асосланди. Эконометрик моделлар ичидан статистик баҳолаш мезонлари қийматларини таққослаш ҳамда ARIMA модели ва STATA дастуридан фойдаланган ҳолда прогноз моделлари тузиш орқали аниқланди.

Тадқиқотимиз давомида Қорақалпоғистонда деҳқон хўжаликларидега етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари прогноз қилинди ва STATA дастуридан фойдаланган ҳолда оилавий хўжаликларидега учун дон, картошка, сабзавот, мева, узум, гўшт, сут, тухум маҳсулотларининг пессимистик, ўртача ва оптимистик вариантларининг прогноз қийматлари ишлаб чиқилди.

1-жадвал

Қорақалпоғистон деҳқон хўжаликларидега қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ривожланишининг прогноз вариантлари

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда (2021 й.)	Прогноз					
		2024 й.			2026 й.		
		I	II	III	I	II	III
Дон	37,0	33.57	36,57	39.57	32,0	35,00	38,0
Картошка	59,9	67.22	70,22	73.22	73,13	76,13	79,13
Сабзавот	182,8	201.67	204,67	207.67	219,24	221,24	224,24
Мева	27,3	29.1	32,10	35.1	31,76	34,76	37,76
Узум	6,2	6.42	7,28	10.25	7,04	7,88	10,88
Гўшт (сўйилган вазнда)	116,1	114	126	138	123	135	147
Тухум	280,0	303	315	327	331	343	355
Сут	376,0	417	429	441	444	456	468
Ҳосилдорлик, ц/га							
Дон экинлари	30,6	22,0	30	38,0	22,0	30	38,0
Картошка	109,6	114	122	130	120	128	132
Сабзавот	168,1	176	184	182	182	193	201
Полиз	147,8	142	150	158	149	157	165
Қора моллар Шундан,	1092,4						
Сигирлар	309,7	311,2	329	419	332,0	340	430
Қўй ва эчкилар	991,0	1094	1184	1274	1189	1279	1369
Паррандалар	4067,0	4883	4973	5036	5364	5454	5544

Барча кўрсаткичларнинг 2004 дан 2021 йилгача бўлган маълумотлари жамланиб, жадвал ҳолатига келтирилди. Худди шундай тартибдаги тадқиқот асосида оилавий хўжаликдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз вариантлари STATA дастури орқали АРИМА моделлари орқали топилди (1-жадвал).

Шуларни ҳисобга олиб, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш асосида маҳсулотнинг етишмаётган турларини ишлаб чиқариш ва минтақа эҳтиёжлари таркибига йўналтирилган озик-овқат ресурсларини оқилона тақсимлаш бозорнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бунда маҳсулотнинг муайян турларини четдан олиб келувчи ва четга чиқарувчи, минтақа учун ўзини ўзи таъминлаш даражаси муҳим аҳамият касб этади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, оилавий хўжаликларнинг трансформацияланишини жадаллаштиришда энг дастлабки қадам уларнинг товардорлик даражасини ошириш, яъни тор истеъмол доирасидан чиқиб, ташқарига маҳсулот реализация қила олиш даражасига кўтаришдир. Ҳозирги замон иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти ва бозордаги рақобат асосини, биринчи навбатда, маҳсулот ҳамда хизматлар ишлаб чиқаришдаги ресурслар сарфини тежаш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олишга қаратилмоқда. Бунинг учун кўйидаги йўналишларда иш олиб бориш талаб этилади:

- оилавий хўжаликлар томорқа ва кўшимча ижара ер участкаларида ҳосилдорликни, чор-

ва молларининг маҳсулдорлигини ошириш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш;

- экинларни зарарли касалликлар, ҳашаротлардан асраш чораларини кўришда кимёвий ва биологик воситалардан, чорвачиликда зооветеринария дори-дармонларидан унумли фойдаланиш;

- деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда илғор ресурстежамкор, камхарж технологиялардан фойдаланиш;

- ҳосилни йиғиштириш, ташиш, қайта ишлаш жараёнида самарали, камхарж механизация воситаларидан самарали фойдаланиш;

- бозор талабларига мос маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашиш;

- хомашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш орқали янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали даромадларни ошириш;

- экологик тоза, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш;

- ортиқча ишчи кучи ва бўш мавсумларда турли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш.

Юқоридагиларни умумлаштириб, оилавий хўжаликларни ривожлантириш ва уларни тўлақонли тадбиркорлик субъектларига трансформациялашиш жараёнини рағбатлантириш – озик-овқат хавфсизлигини тўлароқ таъминлаш ва бозорларни тўлдириш ҳамда пировард натижада ҳудудий ривожланишни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим тадбирлар мажмуидир.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.* // Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 1 февраль, 22 (544)-сон.
2. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги “2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 155-сонли қарори.*
3. *Аҳмедов Д.Қ., Заҳидов Г.Э., Хажиев Б.Д., Мамбетжанов Қ.Қ. Иқтисодий трансформация назариялари.* – Т.: LESSON PRESS, 2019 йил. – 294 б.
4. *Пшиканоква Н.И. Синергетический потенциал экономики депрессивного региона. Монография.* – Майкоп: изд-во АГУ, 2011. – 246 с.
5. *Пардаев М.К., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги.* – Самарқанд: Сам ҚИ, 1999. 18-б.
6. *Шодиева Г.М. Оила хўжалиги мулки ва даромадни ошириш йўллари.* // Сам ИСИ. Иқтисод ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. – Т., 1999 йил.
7. *Абулқосимов Ҳ.П. Бозор муносабатлари тизимида оила ва унинг ижтимоий-иқтисодий вазибалари.* // Иқтисод ва молия. / Экономика и финансы. 2014. 39-46-б.
8. *Градов А.П. Национальная экономика.* / А.П.Градов. – СПб.: Питер, 2007. – 432 с.
9. [www.qrstat.uz](http://www.qrstat.uz).